

**“ИЧКИ НАЗОРАТ ТЎҒРИСИДА”ГИ
НИЗОМ**

Тошкент – 2017

МУНДАРИЖА

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	-	3
2. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ МАҚСАДИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ	-	4
3. БАНКНИНГ ИЧКИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ҲАРАКАТЛАРИ ТАРТИБИ	-	5
4. ИЧКИ НАЗОРАТ ЙЎНАЛИШЛАРИ	-	8
5. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ МОНИТОРИНГИ	-	12
6. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН МАСЪУЛ ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР	-	13
7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	-	14

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. АТ “Алоқабанк”нинг ички назорат тўғрисидаги Низом (қуйида Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 5 июлда 943-сон билан рўйхатга олинган), Корпоратив бошқарув кодекси (Акционерлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 2015 йил 31 декабрь 9-сон баённомаси билан тасдиқланган), шунингдек АТ “Алоқабанк”нинг Устави асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом ички назорат тизимининг мақсади ва вазифалари, ишлаш тамойиллари, шунингдек банкда ички назорат учун масъул органлар ва шахсларни белгилаб беради.

1.3. Ушбу Низомда қўлланиладиган тушунчалар:

а) **Ички назорат** – бу банк (унинг бошқарув органлари, бўлинмалари ва ходимлари) томонидан амалга ошириладиган узлуксиз жараён бўлиб, қуйидаги мақсадларга эришиш учун таваккалчиликларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган;

б) банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширишда молиявий-хўжалик фаолиятининг самарадорлиги ва натижавийлиги, активлар ва пасивларни бошқариш самарадорлиги, жумладан, активларнинг бут сақланишини таъминлаш, банк таваккалчиликларини бошқариш;

в) молиявий, бухгалтерия, статистик ва бошқа ҳисоботларни ўз вақтида тузиш ва тақдим этишда тўғрилиқ, тўлиқлик, объективлик, шунингдек ахборот хавфсизликни таъминлаш;

г) банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, таъсис ва ички ҳужжатларига риоя этиш;

д) банк ва унинг ходимларининг қонунга хилоф ишларни амалга оширишда иштироки, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришни истисно этиш, шунингдек қонунчиликка биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тегишли давлат органларига маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;

е) **Ички назорат тизими** – ташкилий тузилма, назорат чоралари, ички назорат амалиётлари ва услублари тизими бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк Устави ва ички ҳужжатлари асосида мақсадларни амалга ошириш ва уларга эришиш тартибига риоя этишни таъминлайди;

ё) **Ички назорат органлари тизими** – ички назорат тизими доирасида ўз вазифаларини бажарувчи бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва масъул ходимларининг мажмуи.

1.4. Ушбу Низом талаблари мажбурий ва банкнинг ҳар бир ходими учун унинг ички назорат соҳасидаги вазифаларига кўра йўлланма ҳисобланади.

II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ МАҚСАДЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

2.1. Банк ички назорати тизимини ташкил этишнинг бош мақсади банк акциядорлари, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашдан иборат.

2.2. Ички назорат оператив тарзда қуйидагиларни таъминлаши керак:

а) активларнинг бутлигини сақлаш, банк ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш;

- б) амалдаги қонунчилик ва банк ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;
- в) банкнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ва бизнес-режаларини бажариш;
- г) бухгалтерия ҳужжатлари, молиявий ҳисоботлар, бошқарув фаолиятига оид ҳужжатлар тўлиқлиги ва тўғрилиги;
- д) банк фаолиятида таваккалчиликнинг пайдо бўлиши даврида уни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- е) банк фаолиятида таваккалчиликни режалаштириш ва бошқариш, жумладан, таваккалчиликни бошқариш бўйича тўғри қарорларни ўз вақтида қабул қилиш.

2.3. Банкдаги ички назорат тизими қуйидаги тамойилларга асосланади:

а) узлуксиз фаолият юритиш – ички назорат тизимининг доимий ва узлуксиз ишлаши банкка исталган меъёрий чекланишларни ўз вақтида аниқлаш ва келгусида уларнинг вужудга келишини олдини олиш имконини беради;

б) ички назорат тизими барча иштирокчиларининг ҳисобдорлиги – ҳар бир шахснинг назорат вазифаларининг бажарилиш сифати ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан назорат қилинади;

в) мажбуриятлар тақсимоли – банк назорат вазифаларининг тақдорланмаслигига ҳаракат қилади ва бу вазифалар ходимлар ўртасида шундай тақсимланадики, битта шахс муайян активлар билан амалга оширилаётган операцияларни тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга олиш, активларнинг сақланишини таъминлаш, уларнинг инвентаризациясини ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни бажармаслиги керак;

г) операцияларнинг тегишли тарзда маъқулланиши ва тасдиқланиши – банк барча молиявий-ҳўжалик операцияларининг масъул шахслар томонидан ўз ваколатлари доирасида тасдиқланиши тартибини ўрнатади;

д) Ички аудит бошқармасининг ташкилий яхлитлиги ва унинг банк Аудит қўмитаси орқали Кенгашга бевосита боғлиқлигини таъминлаш;

е) ички назоратга масъул барча субъектларининг назорат функцияларини тегишли тарзда бажаришига масъуллиги;

ё) ички назоратни банкнинг барча бўлинмаларининг ўзаро аниқ ҳаракатлари асосида амалга ошириш;

ж) мунтазам ривожланиш ва такомиллашиш – банк янги масалаларни ҳал қилиш, тизимни кенгайтириш ва такомиллаштириш заруриятини ҳисобга олиб мослашиши учун ички назорат тизимининг тўғри ишлаши учун шароит яратишга ҳаракат қилади;

з) меъёрдан четланишлар тўғрисидаги хабарларни ўз вақтида узатиш – меъёрдан четланишлар тўғрисидаги хабарлар масъул шахсларга максимал қисқа муддатларда тақдим қилиниши керак;

и) масъулият тамойили – самарали ички назоратни ташкил этиш учун ҳар бир назорат вазифаси фақат битта субъектга бириктирилиши керак (айни дамда битта субъектга бир неча назорат вазифаси юкланиши мумкин).

2.4. Банкнинг ҳар бир ходими ўз вазифаларининг тегишли тарзда бажарилиши учун иқтисодий, маъмурий, интизомий масъулликни ҳис қилиши керак. Бунда масъуллик муайян вазифанинг муайян шахс томонидан бажарилиши белгиланган бўлиши керак.

2.5. Назорат вазифаларининг бажарилиш сифати ички назоратнинг юқорироқ лавозимли иштирокчиси томонидан назорат қилинади.

III. БАНК ИЧКИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИ ҲАРАКАТ ТАРТИБИ

3.1. Банк Устави ва ички ҳужжатларида белгиланган ваколатларга кўра ички назоратни қуйидагилар амалга оширади:

- а) Банк Кенгаши;
- б) Банк Бошқаруви;
- в) Тафтиш комиссияси;
- г) Ички аудит бошқармаси;
- д) Ички назорат бошқармаси;
- е) Банк филиаллари бошлиқлари (бошқарувчилари) ва бош бухгалтерлар (уларнинг ўринбосарлари);

ё) Бўлинмалар ва муайян ички ҳужжатларда белгиланган ваколатлар асосида ички назоратни амалга оширадиган банк ходимлари.

3.2. Банк Кенгаши ички назоратни амалга оширишда қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

- а) самарали ички назоратнинг яратилиши ва ишлаши;
- б) йиғилишларда ички назорат самарадорлигини муҳокама қилиш ва Банк бошқаруви билан биргаликда ички назорат ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилиш;
- в) ички назорат тизимини ташкил этиш билан боғлиқ ва Банк бошқаруви, Ички аудит бошқармаси, шунингдек банкда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаган ташкилотлар тайёрлаган ҳужжатлар асосида қарорлар қабул қилиш;
- г) банкнинг Ички аудит бошқармасининг текширишлар режасининг бажарилиши, шу жумладан бухгалтерия (молиявий) ва ички ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартибларга амал қилиниши бўйича ҳисоботларини таҳлил қилиш, амалдаги қонунчилик ва банк ички ҳужжатлари талабларининг бажарилиши, банк операциялари ва бошқа битимларнинг самарадорлиги ҳамда активларнинг бутлигини мониторинг қилиш;
- д) Банкнинг ички аудит бошқармаси ҳисоботларини ҳар чорақда тинглаш;
- е) Банкнинг ички аудит бошқармаси фаолияти самарадорлиги мониторинги ва таҳлили;
- ё) ички назорат тизимида камчиликлар, амалдаги қонунчилик, ички ҳужжатлар талабларини бузиш, шунингдек ташқи аудиторлар аниқлаган камчиликларни бартараф қилиш чораларни ўз вақтида қабул қилиш;
- ж) Банк бошқаруви томонидан Банкнинг ички аудит бошқармаси, аудит ўтказган аудиторлик ташкилоти тавсиялари ва кўрсатмаларини оператив бажаришини таъминловчи чораларни кўриш;
- з) ички назоратнинг амалга оширилаётган операциялар характери, салмоғи, таваккалчиликлар даражасига мослигини ўз вақтида текшириш;
- и) Банк Ички аудит бошқармасининг ҳисоботлари асосида Банк Бошқаруви ва унинг раиси томонидан Кенгаш томонидан тасдиқлаган сиёсатларга амал қилинаётганлигини баҳолаш.

3.3. Банк Бошқарувининг ички назорат доирасидаги ваколатига қуйидаги масалалар кирради:

- а) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши қарорларининг бажарилиши, банкнинг ички назоратга оид стратегияси ва сиёсатининг амалга оширилиши бўйича масъулиятини ўрнатиш;
- б) банк фаолиятининг ички назорат тартибининг амалга оширилишини белгиловчи ички ҳужжатларга ва ушбу ҳужжатларнинг амалга оширилаётган операциялар характери ва салмоғига мослигини текшириш;
- в) ички назорат самарадорлигини даврий баҳолаш материаллари ва натижаларини кўриб чиқиш;
- г) зарур маълумотларнинг фойдаланувчиларга етиб боришини таъминловчи ахборот узатиш ва алмашиш тизимини яратиш (ушбу тизим банк фаолиятининг операцион сиёсати ва жараёнларини белгилаб беради);
- д) ички назоратда камчиликлар ва қонун бузилишларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш чоралари тизимини яратиш;
- е) банк таваккалчиликлари ўз вақтида аниқлаш ва бошқариш.

3.4. Филиаллар бошлиқлари (бошқарувчилари) ва бухгалтерлари (уларнинг ўринбосарлари)нинг ички назорат доирасидаги ваколатлари:

а) филиалнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш, бухгалтерия ҳисобида операциялар ва битимларнинг ўз вақтида акс эттириш, филиал ҳисоботининг тўлиқ ва ишончли юритилиши имконини таъминлаш;

б) мулкнинг ҳаракати ва бутлиги, ходимларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларини назорат қилиш.

3.5. Филиаллар бошлиқлари (бошқарувчилари), бош бухгалтерлари ва уларнинг ўринбосарларининг вазифалари ва ваколатлари Банк бошқаруви раиси томонидан тасдиқланади ва лавозим йўриқномаларида белгиланади.

3.6. Банк Ички аудит бошқармасининг ички назорат доирасидаги ваколатига қуйидагилар киради:

а) Банк Кенгашини банкнинг реал аҳволи ва ички назорат тизими самарадорлиги тўғрисидаги ички аудит натижаларига асосланган ишончли ва холис ахборот билан таъминлаш;

б) бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларнинг аниқлик ва ишончлилик бўйича маълумот тайёрлаш;

в) таваккалчиликларни бошқариш ва таваккалчиликларни баҳолаш методологияси бўйича самарадорлиги ва амалиётларнинг қўлланиш бўйича маълумот тайёрлаш;

г) ички назорат тизими самарадорлигини банк бошқаруви органлари (Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк кенгаши ва бошқаруви) қарорларининг бажарилиши мезони бўйича баҳолаш;

д) эллик фоиздан зиёд улуши банкка тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга ошириш;

е) Ички назорат бошқармаси, Банк таваккалчиликларини бошқариш бошқармаси ва банкнинг бошқа бўлинмалари фаолиятини ўрнатилган тартибда текшириш.

3.7. Банкнинг ички аудити бошқармаси вазифалари ва фаолияти Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган Ички аудит бошқармаси тўғрисидаги Низом ва Банк Кенгаши раиси томонидан тасдиқланган ички аудит ходимларининг лавозим йўриқномаларида белгилаб берилган.

3.8. Тафтиш комиссиясининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) Акциядорлар ва банк бошқаруви органлари талаби билан ўрнатилган қонунчилик ва банкнинг ички ҳужжатларида ўрнатилган тартибда банкнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш);

б) Банк номидан тузилган келишувлар, битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонунийлигини текшириш;

в) Молиявий-ҳўжалик ва ишлаб чиқариш фаолиятида ўрнатилган нормативлар, қоидалар ва бошқа талабларга амал қилинишини текшириш;

г) Банкнинг молиявий аҳволи, унинг тўлов қобилияти, активларининг ликвидлиги, хусусий ва қарз маблағларининг нисбатини таҳлил қилиш, иқтисодий аҳволни яхшилаш захираларини аниқлаш ва банкнинг бошқарув органлари учун тавсияларни ишлаб чиқиш;

д) Бирламчи бухгалтерия ҳужжатларига мурожаат қилиш зарурияти туғилганда бухгалтерия ва статистик ҳисоб-китобларни мавжуд норматив қоидаларга мос равишда юритилаётганлигини таҳлил қилиш;

е) Банк Кенгаши ёки Банк Бошқаруви қабул қилган қарорларнинг тўғрилиги, уларнинг Банк низомига, Банк кенгаши ва Банк бошқаруви тўғрисидаги Низомларга, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларига мослигини текшириш.

IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. Банкнинг ички назорат тизими банкнинг бутун фаолиятини қамраб олади ва назоратнинг қуйидаги йўналишларини ўз ичига олади:

а) бошқарув органлари томонидан банк фаолиятини ташкил этишнинг назорат қилиниши;

б) банк таваккалчиликларини бошқариш ва банк таваккалчиликларини баҳолаш тизимининг ишлашини назорат қилиш;

в) банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширишда ваколатларнинг тақсимланишини назорат қилиш;

г) ахборот оқимларини бошқариш (ахборотни қабул қилиш ва узатиш) ва ахборот хавфсизлиги таъминланишини назорат қилиш;

д) банкнинг қимматбаҳо қоғозлар бозорида профессионал иштирокчи сифатида фаолият юритишини назорат қилиш;

е) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимини назорат қилиш;

ё) ички назорат тизимининг ишлашини унинг банк фаолияти камчиликларни аниқлаш, таклифларни ишлаб чиқиш, банкнинг ички назорат тизимини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қарорларини амалга оширилишини назорат қилиш каби вазифаларига мослиги даражасини баҳолаш мақсадида кузатиш.

4.2. Банк фаолиятининг бошқарув органлари томонидан назорат қилиниши Банк Устави ва ички ҳужжатларда белгиланган ваколатлар асосида амалга оширилади ва банк фаолиятини назорат қилиш ваколати ва йўналишларини Корпоратив бошқарув кодексига мос равишда чекланишини ҳисобга олади.

4.3. Банк бошқаруви органлари ваколати доирасига қуйидагилар киради:

а) қўйилган мақсадларга эришишга таъсир этадиган таваккалчиликларни баҳолайди ва банк таваккалчиликларини баҳолаш самарадорлигини таъминлаш мақсадида ўзгараётган вазиятлар ва шароитларга мослашишини таъминловчи чораларни кўради. Янги ва илгари кузатилмаган банк таваккалчиликларини аниқлаш ва кузатиш учун ички назорат тизимини ташкил этиш банк томонидан ўз вақтида қайта кўриб чиқилиши керак;

б) барча банк ходимларининг ўз лавозими мажбуриятларига биноан ички назоратда иштирокини таъминлайди;

в) ходимлар профессионал этика меъёрларига риоя этмаслик, суистеъмоллар рўй берган ҳолатларда, амалдаги қонунчилик, таъсис ва ички ҳужжатлар бузилган вазиятларда бошқарув органлари ва тузилмавий бўлинмалар раҳбарларига маълумот етказиши тартибини ўрнатадилар;

г) Ички аудит бошқармасининг банк бўлинмалари ва ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги масалалари бўйича ҳужжатларни қабул қилади ва уларга риоя қилинишини назорат қилади;

д) амалдаги қонунчилик ва ички назорат мақсадларига зид ҳаракатларни келтириб чиқарувчи тартибларни қабул қилиш ва ишларни амалга оширишни истисно қилади.

4.4. Банк таваккалчиликларини бошқариш тизимининг ишлашини назорат қилиш ва банк таваккалчиликларини баҳолаш ички ҳужжатларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади ва қуйидагилар асосида қурилади:

а) банк фаолиятининг асосий турлари билан боғлиқ асосий ва инкор этиб бўлмайдиган таваккалчиликларини идентификациялаш;

б) таваккалчиликларни аниқлаш, кузатишга йўналтирилган зарурий амалиётлар ва жараёнларни жорий этиш;

в) қўйилган мақсадларга эришиш учун банк ва унинг бўлинмалари ўз зиммасига олиши мумкин бўлган таваккалчиликлар даражасини ўрнатиш;

г) ўрнатилган таваккалчиликлар даражасидан ошиб кетмаслик имконини берувчи назоратнинг асосий усуллари ва тузилмаларини белгилаш.

4.5. Банк таваккалчиликларини баҳолаш банк фаолиятига таъсир этувчи ички (ташкилий тузилманинг мураккаблиги, банк ходимлари малакасининг даражаси, ташкилий ўзгаришлар, ходимлар қўнимсизлиги ва ҳ.к.) ва ташқи (банк фаолиятининг иқтисодий шароитларининг ўзгариши, қўлланилаётган технологиялар ва ҳ.к.) омилларни аниқлаш ва таҳлил қилишни назарда тутди.

4.6. Ваколатларни тақсимланишини назорат қилиш операциялар ва битимларни амалга оширишда манфаатлар ўртасида келишмовчиликларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

4.7. Банк операциялари ва бошқа битимларни амалга ошираётганда таваккалчиликларни меъёрлаштириш ва минималлаштириш учун банкда ички назорат ташкил этилади ва у қуйидагилардан иборат:

а) дастлабки назорат – операцияларнинг амалга оширилганлигига қадар уларнинг қонунийлигини назорат қилиш;

б) жорий назорат – қайта назорат бўлиб, унинг мақсади дастлабки назорат босқичида маъқулланган банк операцияларининг қонунийлигини аниқлаш;

в) сўнгги назорат – операция кун якунида, кейинги банк кундан кечикмаган банк операцияларининг қонунийлигини тасдиқлаш мақсадида амалга ошириладиган назорат.

4.8. Банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширишда банк бўлинмалари ва ходимлари ўртасида ваколатларнинг тақсимланиш тартиби амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларга асосан ўрнатилади ва у назоратнинг қуйидаги шакллари (усуллари)ни ўз ичига олади:

а) тузилмавий бўлинмалар фаолияти натижалари ҳақидаги ахборотлари, тегишли бўлинмалар раҳбарларининг назорат камчиликлари, хатоларини аниқлаш мақсадидаги тушунтиришлари бошқарув органлари томонидан сўров йўли билан талаб қилинадиган текширувлар;

б) бўлинмалар раҳбарлари томонидан қўл остида ишлаётган ходимларининг иши ҳақидаги ҳар кунлик, ҳар ҳафталик, ҳар ойлик ҳисоботларни текшириш орқали амалга ошириладиган назорат;

в) моддий (жисмоний) назорат – моддий бойликлар билан ишлашни чеклаш, уларнинг қайта ҳисобини олиш (нақд пулларни қайта санаш, қимматбаҳо қоғозларнинг ҳисобини олиш ва ҳ.к.), моддий бойликларнинг сақланиши ва ундан фойдаланиш учун масъулиятни юклаш, моддий бойликлар сақланаётган хоналарнинг қўриқланишини таъминлаш;

г) банк операциялари ва бошқа битимларни амалга ошириш учун ўрнатилган лимитларга риоя қилинганликни тегишли ҳисоботлар ва бирламчи ҳужжатлар билан солиштириш йўли билан текшириш;

д) ўрнатилган лимитлардан ташқари амалга оширилаётган банк операциялари ва бошқа битимларни тасдиқлаш ва ваколатларни тақсимлаш тизими (бунда банк раҳбариятига бундай операциялар ва юзага келган вазият ҳақида ўз вақтида маълум қилинади, шунингдек тегишли ҳисоботларда ёритилади);

е) банк операцияларининг амалга ошириш тартибига риоя қилинаётганини текшириш, тегишли раҳбарларга аниқланган хатолар ва камчиликлар тўғрисида маълумот бериш.

4.9. Банк ходимлари ўртасида лавозим мажбуриятлари шундай тақсимланиши керакки, бунда манфаатлар қарама-қаршилиги, уларнинг юзага келтирадиган шароитлар, жиноятлар содир қилиниши ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар амалга оширилиши истисно қилиниши лозим.

4.10. Битта бўлинма ёки банк ходимнинг ўзига қуйидагиларни амалга ошириш ҳуқуқи берилмайди:

а) банк операциялари ва бошқа битимларни амалга ошириш ва уларни рўйхатга олиш ёки ҳисобот бериш;

б) пул воситаларини тўлашга санкция бериш ва уни амалда тўлаш;

в) банк мижозлари ва банкнинг молиявий хўжалик фаолиятини акс эттирувчи ҳисоблар билан ишлаш;

г) кредит беришда ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини баҳолаш ва қарз олувчининг молиявий аҳволини мониторинг қилиш;

д) манфаатлар қарама-қаршилиги келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа исталган соҳада ҳаракат қилиш.

4.11. Банк операциялари ва бошқа битимларни амалга ошириш бўйича ваколатларни тақсимлашда ички назорат қуйидагиларни таъминлаши керак:

а) банк мулки билан ишлаш ва мижозлар ҳисоби бўйича операцияларни амалга ошириш банкнинг қатъий ваколатли ходимлари томонидан бажарилиши;

б) бухгалтерия ҳисобида операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган талабларга мос равишда акс эттирилиши;

в) банк активлари ва пасивларининг реал ҳолатини акс эттириш, ҳисоботларни ўрнатилган тартибда тузиш;

г) банк активлари ва пасивларини ҳисобга олиш маълумотларини мунтазам текширувлар натижалари бўйича тасдиқлаш;

д) бухгалтерлик ҳисобидаги мавжуд тафовутларни бартараф қилишга йўналтирилган тегишли чораларни қабул қилиш.

4.12. Ахборот оқимларини (ахборот қабул қилиш ва узатиш) бошқариш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш манфаатдор шахсларни банк фаолияти тўғрисида тўлиқ ва тўғри маълумотлар билан таъминлаш ва банкдаги маълумотлардан шахсий манфаатларда ёки банк рақиблари манфаатларини кўзлаб фойдаланишига йўл қўймаслик мақсадида назорат қилинади.

4.13. Ахборот фаолиятини назорат қилиш, жумладан рухсат берилмаган фойдаланиш, махфий ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланишдан ҳимоя қилиш учун банк имкон даражасида қуйидагиларни амалга оширади:

а) зарур ахборотни тегишли ходимга тезкор етказилишини таъминлайди;

б) ахборот тизими хавфсизлигини таъминлайди, уларни мунтазам текширишни ташкил этади;

в) узлуксиз ишлашни таъминлаш учун автоматлаштирилган ахборот тизими (маълумотлар базаси сервери ва сўнгги фойдаланувчилар ишчи ўринлари) назоратини таъминлайди;

г) маълумотлар резервини яратиш ва автоматлаштирилган ахборот тизими вазифаларини қайта тиклаш амалларини ўрнатади, автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш вақти давомида техник таъминотни амалга оширади;

д) дастурий таъминотни сотиб олиш, ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатиш, жисмоний фойдаланиш хавфсизлигини назорат қилиш тартиби қоидаларини ўрнатади;

е) банк операцияларини қайта ишлаш (назорат қилувчи таҳрирлаш, мантиқий фойдаланишни назорат қилиш, маълумотларни қайта тиклаш ва ҳ.к.)ни назорат қилувчи автоматлаштирилган амалиётларни ўрнатади.

4.14. Автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва техник воситаларни ички назорат қилиш умумий назорат ва дастурий назоратдан иборат бўлади:

а) автоматлаштирилган ахборот тизимларини умумий назорат қилиш узлуксиз ишлаш учун компьютер тизимлари (бош компьютер, мижоз-сервер тизими, сўнгги фойдаланувчиларнинг ишчи ўринлари)ни назорат қилишни назарда тутди. Умумий назорат маълумотларни резерв қилиш (нусха олиш), автоматлаштирилган ахборот тизимлари функцияларини қайта тиклаш амаллари, автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш вақти давомида техник таъминотни амалга ошириш, дастурий таъминотни харид қилиш, ишлаб чиқиш,

хизмат кўрсатиш қоидалари, жисмоний фойдаланиш хавфсизлигини назорат қилиш тартибини белгилашдан иборат;

б) дастурий назорат амалий дастурларга ўрнатилган автоматлаштирилган амалиётлар томонидан банк операциялари ва бошқа битимларни қайта ишлашни назорат қилиш (назорат қилувчи таҳрирлаш, мантиқий фойдаланишни назорат қилиш, маълумотларни захира қилиш ва қайта тиклаш ва ҳ.к.) орқали амалга оширилади.

4.15. Банк ички ҳужжатларда ахборот фаолиятни бошқариш тартиби ва қоидалари, шунингдек рухсат берилмаган фойдаланиш, махфий ахборотдан фойдаланиш ва тарқатишдан ҳимоя қилиш тартибини ўрнатади.

V. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ МОНИТОРИНГИ

5.1. Ички назорат тизими мониторинги – бу таваккалчиликлар даражаси ошиши эҳтимолини баҳолаш, уларни бошқариш усулларининг самарадорлигини баҳолаш, бошқариш усулларининг камчиликларини аниқлаш, таваккалчиликларнинг рўй бериши мумкинлиги тўғрисидаги ахборот базасини шакллантириш ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш асосида бошқаришни такомиллаштириш бўйича қабул қилинган таклифлар ва уларни амалга оширишни назорат қилиш бўйича ишларни мунтазам кузатиш.

5.2. Банк ички назорат тизими мониторингини мунтазам равишда амалга оширади.

5.3. Ички назорат тизими мониторинги қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) ички назорат тизими етарли даражада эканлиги ва самарадорлигини текшириш ва баҳолаш;

б) таваккалчиликларни бошқариш процедуралари, уларни баҳолаш методологиясининг қўлланилиши ва самарадорлигини текшириш;

в) менежмент ва молиявий ахборот тизими, шунингдек электрон ахборот ва электрон банк хизматлари тизимини текшириш;

г) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар аниқлиги ва тўғрилигини текшириш;

д) активларнинг бутлигини таъминлаш воситаларини текшириш;

е) операциялар тежамлилиги ва самарадорлигини баҳолаш;

ё) транзакциялар ва ички назоратнинг муайян амалиётларнинг ишлашини тестдан ўтказиш;

ж) ҳуқуқий ва регулятив талаблар, одоб-ахлоқ кодекслари, услубиёт ва амалиётларга амал қилишни таъминлаш учун таъсис қилинган тизимларни текшириш;

з) махсус текширишларни ўтказиш.

5.4. Ички назорат тизими мониторинги банк раҳбарияти ва турли бўлинмалар ходимлари, жумладан банк операциялари ва бошқа битимларни амалга оширувчи, уларнинг ҳисоботини юритувчи бўлинмалар ходимлари, шунингдек Банкнинг ички аудит бошқармаси томонидан амалга оширилади.

5.5. Ички назорат тизими мониторингини ўтказиш мақсадида банк раҳбарияти ва ходимлари банк операциялари ва бошқа битимларни амалга ошираётганда қуйидагиларни баҳолашлари керак:

а) ички қўлланмалар, дастурлар, қоидалар, тартиблар, амалиётлар, шунингдек ўрнатилган лимитларга амал қилиниши;

б) ҳисобга олиш ва ҳисоботлар юритиш, бошқа маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, сақлаш тизимларининг тўғрилиги, тўлиқлиги ва объективлиги;

в) банк томонидан амалга оширилаётган операциялар ва бошқа битимлар бўйича ички назорат тизимини ташкил этиш соҳасида банкда ўрнатилган ва қўлланилаётган алоҳида усулларнинг ишончлилиги.

5.6. Ички назорат тизимининг ишлаш жараёнининг узлуксиз мониторингини амалга ошириш, унинг ишлаши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, тизимни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини ошириш банкнинг Ички аудит бошқармасига юклатилади ва у фаолиятнинг турли йўналишлари ва банкнинг турли бўлинмаларини текшириш асосида ўрнатилган қоидалар ва амалиётларнинг етарли даражада эканлигини ҳолис баҳолайди ва уларга тўлиқ риоя қилинишини таъминлайди. Банкнинг ички аудит бошқармаси фаолияти амалдаги қонунчилик, Ички аудитни бошқариш тўғрисидаги низом, банк текширувларини амалга оширишга оид ички ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

5.7. Ички назорат тизими мониторинги натижасида аниқланган камчиликларни бартараф қилишга оид талаблар:

а) камчиликлар тўғрисида банк раҳбарияти, ходимлари, Ички аудит бошқармаси ва бошқа назорат бўлинмалари томонидан аниқланган маълумот тегишли даражадаги раҳбарларга етказилиши ва тезкор бартараф қилиниши керак;

б) ички назоратнинг аниқланган камчиликларини тезкор бартараф этилишига Ички аудит бошқармаси бошлиғи, Банк бошқаруви раиси таъсир кўрсатади ва улар аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрадилар. Аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш банк раҳбариятига, алоҳида бўлинмалар раҳбарлари зиммасига юклатилади.

VI. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН МАСЪУЛ ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР

6.1. Ушбу Низомга риоя қилиниши устидан назорат Банк Кенгаши томонидан амалга оширилади ва у қуйидагиларга масъул:

а) ички назорат тизими стратегиясини ривожлантириш ва маъқуллаш йўналишини белгилаш;

б) Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида Банк бошқаруви, ички ва ташқи аудитлар, тафтиш комиссияси ҳисоботлари, шахсий кузатишлар асосида олинган маълумотлар (молиявий назорат, операцион назорат, қонунийликни назорат қилиш, ички сиёсат ва амалиётларни назорат қилиш) асосида ички назорат тизими ишончилиги ва самарадорлигининг таҳлили натижалари бўйича ахборот бериш;

в) ички назорат амалиётларини мунтазам равишда такомиллаштириш.

6.2. Банкнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти ва унинг бўлинмаларини назорат қилиш масъулияти ички назоратнинг доимий ишловчи органи - Тафтиш комиссиясига юклатилади.

6.3. Банкнинг ички назорат тизимининг молиявий ҳисоботларининг тўлиқлиги, ишончилиги ва самарадорлигини назорат қилишга Банк кенгаши қошидаги Аудиторлик қўмитаси масъул ҳисобланади.

6.4. Банкнинг ички назорат соҳасидаги сиёсатининг ишлашига Банк бошқаруви масъул ҳисобланади. Бошқарув раиси ички назорат амалиётларини жорий этади ва Банк Кенгашига таваккалчиликлар, жиддий камчиликлар, шунингдек уларни бартараф қилиш режалари, кўрилган чоралар натижалари ҳақида маълумот бериб, унинг самарали ишлашини таъминлайди.

6.5. Исталган даражадаги бўлинма ходимлари (жумладан раҳбарлар ҳам) ўз ваколатлари доирасида назорат стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш амалиётларида бевосита иштирок этадилар. Ностандарт вазиятлар ва вужудга келган муаммоларни бартараф этиш уларнинг вазифасига киради. Жиддий масалаларда, муайян битимлар бўйича таваккалчиликлар рўй берганда банк раҳбариятига хабар берадилар.

6.6. Ички назорат амалиётларининг бажарилишини, яъни банкда амалга ошириладиган операциялар ва бошқа битимларнинг Ўзбекистон Республикаси

қонунчилигига, банк Уставига мос келиши, бухгалтерия ва молиявий-хўжалик ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини назорат қилиш банкнинг Ички аудит бошқармасига юклатилади.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Банкнинг ички назорат масалаларига бевосита ёки билвосита тегишли исталган ҳужжатлар ушбу Низомга зид келмаслиги керак.

7.2. Низом ва унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар банк Акциядорларининг умумий йиғилишида тасдиқлангандан сўнг кучга киради. Низомнинг янги таҳрири кучга киргач, унинг эски таҳрири ўз кучини йўқотади.

7.3. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиб, ушбу Низомнинг алоҳида моддалари унга зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади. Низомга ўзгартиришлар киритилгунга қадар банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларига таяниб иш кўради.

Кенгаш аъзолари:

К. Ирисбекова

Ш. Хаджидаев

Ш. Кадиров

Р. Мансуров

Б. Тоҳиров

Ш. Атамухамедов

Т. Иминов

Ф. Юлдашев

